

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 108 (10.413)

2005 ЙИЛ 6 ИЮНЬ



Шаҳрим-фаҳрим



## ЭСКИ ШАҲАРГА ГЎЗАЛЛИК ЯРАШАДИ

Бозорларимиз жамоли, сотувчи ва харидорларга яратилаётган қулайликлар, пештахталарнинг тўкин-сончилиги фаровонлигимиз рамзи. Бу борада ўзига хос таъриф тавсифга монанд "Чорсу" буюм ҳамда "Эски Жўва" деҳқон бозорларининг алоҳида ўрни борки, бир неча йиллардан буён ушбу гавжум масканлар қайта чирой очмоқда, уларда шарқ бозорининг ҳақиқий тимсоли акс этмоқда.



"Чорсу" буюм бозоридаги тадбиркорларга ва харидорларга яратилган қулайлик, замонавий савдо шохобчалари, "Миллий кийимлар" растаси, "Эски Жўва" деҳқон бозорларидаги ўзига монанд "Қовун-тарвуз", "Гўшт", "Улгуржи сабзавот" ҳамда миллий таомлар савдо шохобчалари нафақат кўриниши, балки ички қулайлиги, намунали савдо ва оқватланиш хизмати кўрсатиш учун қулайлиги билан ажралиб туради. Ушбу бозор шохобчаларини бунёд этишда пойтахтимиздаги "Мухлиса киз" хусусий фирмаси толмас қўлли курувчиларининг муносиб ҳиссасини таъкидлаш ўринли. Зиммаларидаги вазифани тез ва соз бажараётган, танлов савдоларида ўзларининг сифатли, кафолатли, қисқа муддатли тақлифлари билан голибликни қўлга киритаётган хусусий фирма тадбиркор бунёдкорлари айна кунларда ҳам бозорлардаги қурилиш-тиклаш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

— Ҳозирда "Чорсу" буюм бозорида

тадбиркорлар учун барча қулайликлари кўзда тутилган 40 та савдо дўкончаларини ҳамда миллий таомлар бозорчаси ёнида 37 та дўконча қурилишини амалга оширмақдамиз, — дейди фирма директори ўринбосари Убайдулла Йўлдошев. — 3 блокдан иборат дўкончаларда кетма-кет қурилиш-тиклаш ишлари бажарилаётган бўлса, юқоридаги 40 та савдо дўкончаларининг пардозлаш юмушлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ушбу савдо расталари ёнида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, сартарошхона ва тарозихона ҳам қад ростлаб, керакли шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Бунёдкорлик ишлари давомида сифат ва самарадорликка эътибор қаратаётган фирманинг тикловчи, пайвандчи, дурадгор, бўёқчи, гишт терувчи, сувоқчи ва бошқа хунар эгалари ҳамжihatликда вақтдан, қурилиш ашёларидан унумли фойдаланишмоқда. Шу ўринда илгорлар сифидан ўрин олган Баҳодир Хайитбоев, Забиҳилла Набиев, Ҳамдам Матчонов,

Икром Усмоновларнинг номларини таъкидлаш лозим. Бунёдкорларнинг ғайратшожоатлари билан тез кунларда фойдаланишга топшириладиган ушбу объектлар буюм ва деҳқон бозорларига алоҳида кўркамлик бағишлайди. Бундай кўркамлик ва қулайликдан эса бозорга келган ҳар бир харидор фойдаланса, баҳра олса, ажабмас. Курувчиларнинг асл мақсади эса ободликка ҳисса қўшиш, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда фаоллик кўрсатишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА

**СУРАТЛАРДА: "Мухлиса киз" хусусий фирмаси директори ўринбосари Убайдулла Йўлдошев, уста Гофуржон Исломов ва бригадир Ҳамдам Матчоновларнинг кундалик қурилиш ишларининг самарасида муносиб ҳиссаси бор; қурилиш майдонларида иш қизгин олиб борилмоқда.**

Ҳақимжон Солиҳов  
олган суратлар.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, ноқеалар

#### ҚИСҚА Сўзлар

- **ХАЛҚАРО** бизнес марказида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ташаббуси билан экологлар иштирокида бўлиб ўтган тадбир 5 июнь — Бутунжаҳон Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишланди.
- **ЮНЕСКОД** туманида туман халқ таълими бўлими та-

шаббуси билан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари таълимини шакллантиришда замонавий ўқув амалиётини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитасида ташкил этилган йиғилишда атроф-муҳитни экологик жиҳатдан тоза тутиш шу куннинг муҳим талаби эканлиги таъкидланди.

● **ТОШКЕНТ** солиқ коллежида уюштирилган тадбир "Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам

бўлмайди" деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамда ижтимоий муҳофаза соҳаси мутасаддилари иштирокида ташкил этилган семинарда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Қонунининг бажарилиши масалалари муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Тасвирий санъат галереясида "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти ташаббуси билан "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида 5

июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб 2 июндан бери намойиш этилаётган "Ўзбекистоннинг миллий боғлари, экотуризм ва барқарор ривожланиш" мавзусидаги тематик кўргазма ҳамда "Ўзбекистоннинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш" мавзусидаги халқаро конференция КЕЧА ниятига етди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**XXI саҳоси**  
Барча маълумотлар олқини сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Парламент юқори палатасида «Фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш концепцияси: қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги Қонуннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Навоий вилояти «заршунос»лари пилла тайёрлаш йиллик шартномавий режасини уддаладилар. Эл хирмониға 600 тонна энг сара пилла нави етказиб берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М.Урозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази Мирзо Улугбек туман бўлими ҳамкорлигида «Беғубор болалигим» номли адабий-бадиий тадбир ўтказилди.


Жаҳонда

● ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Марказий Осиёда маданий рангбаранглик ва мулоқотлар» мавзусига бағишланган фестивал бўлиб ўтди. Халқ ижодиёти кўргазмаси, хўнармандчилик, кинофильмлар, ашула ва рақслар намойиши ҳамда Ўзбекистон бўйича «Давра суҳбати» тадбирлари мазкур анжуман дастуридан жой олди.

● Туркияда қонун чиқарувчи тизимни ислоҳ қилиш доирасида янги Жиноят кодекси қабул қилинди. Бу ислоҳотлар Европа Иттифоқи тавсияси билан ўтказилмоқда.

● Францияда Европа конституцияси лойиҳаси муваффақиятсизликка учрагач, мамлакат бош вазир энтиб Доменик де Вильпен тайинланди. Янги бош вазир ўз маҳкамаси таркибини эълон қилди.

● Молия вазир Алексей Кудриннинг маълум қилишича, Россия қарзларини узиш масаласида Сурияға бир қанча енгилликлар берди. Айна пайтда расмий Дамашқ Россиядан 13,4 миллиард доллар қарз. Охирги келишувға биноан, расмий Москва умумий қарздан 9,8 миллиард долларининг бахридан ўтди.



### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Ливан пойтахти Байрутда парламент сайлови бўлиб ўтди. Бу сайлов тўрт худудий босқичдан иборат бўлиб кетма-кет тўрт яқшанбада ўтказилади.

● Исроил полицияси Интернет тармоғи орқали ўғирлик қилиш билан шуғулланувчи гуруҳнинг қилмишларини фош этди. Ҳозирда 11 нафар гумдондор қамоққа олинди. Дастлабки тергов-суриштирув натижаларига қараганда, кўлга олинганлардан бири ўғирликларни амалга оширувчи махсус дастур яратган.

● Улик денгиз қирғоғида жойлашган Эй-Геди қўриқхонасининг учдан икки қисми кучли ёнғин қуршо-вида қолиб кетди. Маҳаллий радио берган маълумотларга кўра, Исроилдаги асосий сайёҳлик обидаси бўлган ноёб водийнинг 66 фоизи ёниб битди.

● Японияда мансабдор шахс ва шахсий компаниялар ишчиларини жазирама ёз даврида бўйинбоғ тақмаслик ва костюм киймасликка даъват этувчи умуммиллий компания бошланди.

● Япония олимларининг бир гуруҳи дунёда энг кучли суперкомпьютер яратишга киришди. Энг мураккаб масалаларни бажариш учун ишлатиладиган янги компьютер бир сонияда 10 квадриллион операцияни бажариши кутилмоқда.

● Бағдодда террорчиларнинг ўзини ўзи портлатиб юбориши оқибатида 15 та одам ҳалок бўлди. Шу муносабат билан Ироқда жангари жиноятчиларга қарши кенг кўламли ҳарбий амалиёт бошланди. «Чақмоқ» деб ном олган амалиёт доирасида Бағдод кўчаларида ҳарбийлар сони кўпайгани кузатилмоқда. Ҳокимият исёнчилар ҳаракатланганини чегаралаш учун Бағдод пойтахтини бир неча худудга бўлиб юборишни кўзда тутган.

● Колумбиянинг Иконза шаҳрида миш-миш тарқатиш жиноят ҳисобланади. Энг ашаддий фиску-фукурчилар нафақат катта миқдорда жарима тўлашади, ҳатто қамоққа олиниши ҳам мумкин.

● Forde журналининг эътирофи этишича, Россиянинг энг бадавлат кишиси айни кунда Роман Абрамович экан. Унинг жаҳми тўлаган бойлиги 14,7 миллиард доллар деб баҳоланмоқда. Табиийки бундай пуллар билан бу киши хотиржам ҳаёт кечириши мумкин. Чорбоғлар, саройлар, футбол жамоалари... бари уники. Сувда «Ле Гранд Блен» яхтасида суза, осмонда бахайбат «Боинг»да парвоз қилади.

● Жаҳон савдо ташкилоти га мурожаат қилган АКШ маъмурият Европа ўзининг Albus компаниясига субсидия ажратаётганидан норози эканликларини билдирди. Ҳозирда ЕИ ҳам АКШ томонинан миллий Boeing компаниясини субсидия билан таъминланаётгани устидан шикоят қилди.

## ЖИНОЯТНИ ОҚЛАБ БЎЛМАЙДИ!

Ўзбекистон Президентининг республика бош прокуратурасида маҳаллий ва хорижий журналистлар учун ўтказилган брифингдаги асосли ва ҳажонли чиқиш ўзларини оқиботга буркак, демократия жангчилари қилиб кўрсатмоқчи бўлган жангариларни, шунингдек, диний ақидапарастларнинг жиноий ва пухта режалаштирилган қуролли ҳужумини қатор хорижий ОАВ оммавий равишда ноҳолис ёритгани ва уларни шунчаки ёлғон ахборот тарқатиш йўли билан оқлашга бўлган уринишларини фош этди. Давлатимиз раҳбари бундай ОАВ қаторида Россиянинг айрим телеканалларини ҳам тилга олди.

Шуниси диққатга сазоворки, россиялик сиёсатчилар, экспертлар ва шарҳловчиларнинг аксарияти ўзларининг айрим ватандошлари бўлиши чаққон журналистлардан фарқи ўлароқ, юз бераётган воқеаларнинг мохиятини теранроқ англаб етдилар ҳамда 13 май куни содир этилган ҳужумнинг сабаб ва мақсадларига доир Ўзбекистон ҳукуматининг расмий нуктаи назарига ҳамфикр бўлмоқдалар. Россия Давлат думасининг МДХ ишлари ҳамда ватандошлар билан алоқалар кўмитаси раиси Андрей Кокошиннинг фикрига эътибор беринг: «Андижон воқеалари ортида исломий ақидапараст кучларнинг иштироки янада аққолроқ кўрина бошлади. Хатти-ҳаракатларида зўравонлик белгилари аниқ-равшан кўри-

ниб турган исёнчиларга нисбатан Ўзбекистон ҳукумати томонидан куч ишлатилиши бутун минтақа ва умуман халқроқ ҳамжамият хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан олганда асосли ҳолдир».

Россия сиёсат конъюнктураси Марказининг таҳлилий бошқармаси раҳбари Анатолий Беляевнинг фикрича, Андижон воқеалари, энг аввало, жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ва турли диний радикал гуруҳларга мансуб кучлар томонидан уюштирилган. «Бирок, тартибсизликлар тўққунда ушбу кучларнинг қандайдир эътиборли сиёсий ҳаракат бўлиб шаклланишга қодирлиги ҳақида сўз юритиш ҳийла мушкул. Каримовнинг ижтимоий беқарорликни келтириб чиқарадиган уринишга нисбатан

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қатор вазирилари ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этган йиғилишни кўмита раиси А.Аҳадов бошқарди.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

### БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети ижроси ҳамда 2005 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида молия вазири С.Раҳимовнинг ахбороти тинланди. Ҳисобот даврида мамлакатимиз ҳукумати томонидан макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, миллий валюта курсини мустаҳкамлаш, ижтимоий дастурларни устувор тарзда молиялаштириш ва бюджет маблағларни иқтисод қилиш чоралари кўрилгани алоҳида таъкидланди. Давлат бюджети харажатлари

аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашни, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ўз вақтида ва тўлиқ тўланади, бюджет инвестиция дастурлари молиялаштирилишини таъминлашга қаратилди.

Йиғилишда Давлат бюджетининг 2005 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича даромадлар ва харажатлар юзасидан ижроси белги-ланган кўрсаткичлар доирасида бажарилганлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди

### «ҚОН ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА»

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институти ҳамда қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Қон инсонлар хизматида» халқроқ хайрия фонди ташкил этилди. Шу муносабат билан ўтган таъсис йиғилишида Маҳалла, Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, олимлар, шифокорлар, қон куйиш станция ва бўлимлари мутахассислари иштирок этдилар.

Йиғилишда мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларида-ноқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, она ва бола манфаатларини ҳимоялашга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислохот этиш давлат дастури бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Айни вақтда соҳада қон куйиш ва донорлик хизматини янада юқори поғонага кўтариш мумкин аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозир дунёдаги ривож-

ланган давлатларда аҳолининг ҳар миң нафарига ўртача 40-60 нафар бегараз донор тўғри келади. Қон топирувчиларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Юртимизда бу кўрсаткичнинг талаб даражасида, деб бўлмайди. Мамлакатимизда донорлик ва қон куйиш хизматини жаҳон андозаларига даражасига кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шу билан бирга ҳуку-матимиз ҳамда Осие тараққиёт банки ҳамкорлигида аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш бўйича молиялаштирилган «Оналар» болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга оширилаётди.

«Қон инсонлар хизматида» фондининг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, аҳоли, айниқса ёшлар, маҳалла, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, мутахассислар малакасини ошириш каби хайрли ишлардан иборат.

Тадбирда фондининг таъсис ҳужжатлари тасдиқланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ**

билдирган эътирози мутлақо оқланган ҳолдир».

Россия матбуоти шарҳини асли келиб чиқиши Фарғона водийсидан бўлган ҳамюртларимиз — икки нафар таниқли россияликнинг фикрлари билан яқуллашни истар эдик.

«Ислам Каримовнинг кўпчилик ҳисоблайдиган қаттиққўл бошқарув услуби энг муаммоли ва портлаш хавфи мавжуд бўлган минтақада тинчликни сақлаб қолиш имконини берди...»

Албатта, Каримовнинг командасида ҳатто бор, лекин унинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида амалга ошираётган ишларига тўғри баҳо бермаслик мумкин эмас», — деб ёзди «Труд» газетасида Москва мэрининг маслаҳатчиси Нурали Латипов.

«Известия» газетасида саҳифаларида Россия халқ артисти Александр Абдуловнинг куйидаги сўзларини ўқийми: «Ўзбекистонда содир бўлаётган ҳодисалар ниҳоятда дахшатлидир ва ишончим комилки, рўй берган воқеалар турткини мамлакат ичидан чиққан эмас. Вазият уюштирилган... Уларга Қирғизистон камлик қилади. Бирок, Ўзбекистонда бундай аҳвол бошқа такрорланмайди, чунки у ерда мустаҳкам ҳокимият мавжуддир».

**Олег ШАТУНОВСКИЙ**  
«Жаҳон» АА.

### «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

#### ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

Газетамизнинг 2005 йил 18 апрель сонида «Ҳақли эътироз» номли мақола чоп этилиб, унда шаҳар транспортдаги айрим муаммолар танқид қилинган эди.

— Танқидий мақола «Тошшаҳарйўловчиганс» акциядорлик компаниясининг транспорт корхоналари раҳбари ўринбосарларининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, кўрсатилган камчиликларни тугатиш, келтирилган йўналишнинг ишининг талаблар даражасида бўлишини таъминлаш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди, — деб таъкидланди акциядорлик компаниясини бошқарув раисининг ўринбосари Т.Дадабоев имзоси билан келган жавоб хатида. — Шунингдек, мақола компания тасарруфидаги барча автобус корхоналарининг ҳайдовчи ва чиптачилари ўртасида муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, мақолада кўрсатилган барча йўналишларга «Мерседес Бенц» русумли автобуслар бириктирилган бўлиб, уларнинг эрталабки ва кечки тигиз соатларда жадвал асосида қатнаши компания ва автобус корхоналари раҳбариятининг доимий назоратидадир. 60-автобус йўналишининг 20 дақиқадан ортиқ оралик вақти билан ҳаракатланганлигининг сабаби, ушбу йўналишга бириктирилган сарой рақамлари 11 ва 38 бўлган автобусларнинг носозлиги туфайли тўхтаб қолганидир. Натижада йўналишга режадаги 9 та ўрнига 7 та автобус чиқарилган. Ҳозирда 60-автобус йўналишига 1 та қўшимча автобус чиқарилиб, ҳаракат мунтазамлиги 90 фоизга етказилди.

Шунинг баробарида 67, 91, 97-йўналишлардаги режада белгиланган автобусларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиши ва жадвал асосида ҳаракатланиши назоратга олинди. Компания томонидан олиб борилган текширувларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирда юқоридаги йўналишлар иши қониқарли эканлиги тасдиқланди.

Йўловчиларнинг ҳақли эътирозларини инобатга олган ҳолда эрталаб ва кечки тигиз вақтларда одамлар гавжум бўладиган йўналишларда автобуслар сонининг кўпайтирилиши янги ҳаракат воситалари келтирилгандан сўнг амалга оширилишини маълумот учун эслатиб ўтмоқчимиз».

#### НОҚУЛАЙЛИКЛАР ТУГАТИЛДИ

Газетамизда чоп этилган 2005 йил 7 апрелдаги Ҳамза туманининг М.Риёзий маҳалласи аҳолининг ўрнили эътирозларига «Паркент ихтисослашган Бозор» ошқ акциядорлик жамияти раиси А.Ваҳобов ичмаси билан қуйидаги жавобни олди.

«Тумандаги М.Риёзий маҳалласидаги бозор худуди атрофида жойлашган кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг эътироз ва танқидларидан керакли хулоса чиқарилиб бозор маъмурияти томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бозор худуди ва болалар бочаси оралиғига асфальтланган йўлак қилиниб, икки тарафига тўсиқлар қўйилди. Бозор худуди ва 29-уй ўртасидаги захира эшикларни ёпилган ва назорат қилиб туриш учун масъуллар тайинланди, уй ва бозор оралиғидаги йўлакка автобуслар киймаслиги учун тўсиқлар ўрнатилди.

Захира эшикларни ёпилиб қўйилган ҳам фуқароларнинг эшик панжаралари устидан ошиб ўтиши давом этаётганига қарши чора кўрилди. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида бугунги кунда захира эшиги панжараси ўрнига баланд девор билан беркитилди».

## Иқтисодиёт

ЗАМОНАВИЙ  
ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИШЛАБ  
ЧИҚАРИЛМОҚДА

Маълумки, "Holley Group Co. Ltd" корпорацияси Хитойда замонавий электр энергияси ҳисоблагичларини ишлаб чиқарувчи ягона илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланиб, ушбу компания ҳозирда АКШ, Канада, Нидерландия, Таиланд, Исроил, Аргентина каби давлатларда ўз филиалларига эга. Шуниси қувонарлики, ҳозирда бизнинг давлатда ҳам компаниянинг янги филиали фаолият юритмоқда.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси, "Uzenergosotish" ва "Toshkent shahar elektr taqmolqlari korxonasi" очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳамда Хитойнинг "Hangzhou Zhongya Technology Co. Ltd" компаниясининг жами 150 минг АКШ доллари миқдоридagi Низом жамғармаси асосида янги "Elektron hisoblagich" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси ташкил этилди.

Дастлаб, "Holley Metering Co. Ltd" компаниясидан бир фазали ва уч фазали кўп функцияли электр электр энергияси ҳисоблагичлари олиб келиниб, Ўзбекистон шароитида синовдан ўтказилди. Мутахассисларимиз томонидан ушбу замонавий ҳисоблагичларнинг ишлаб чиқариш жараёни тубдан ўрганилди ва бу амалиётга татбиқ қилинди.

Ҳозирда кўшма корхонада электрон электр энергияси ҳисоблагичларнинг 150 минг донаси ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги икки йил давомида корхона ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида бир ва уч фазали электр электр энергияси ҳисоблагичларнинг 450 минг донасини ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Айни дамда кўшма корхонада хитойлик ишчилар билан бир қаторда 25 нафар ўзбек ишчилари ҳам меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек, корхонага Хитойдан янги технология линиялар келтириб ўрнатиш режада бўлиб, унга кўра 100 та янги ишчи ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари кўшма корхонада "Ўзстандарт" агентлиги билан ҳамкорликда электрон электр энергиясини назорат қилувчи ва ҳисобловчи замонавий автоматлаштирилган тизимни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ҳозирда мутахассисларнинг асосий вазифаси электрон электр ҳисоблагичларнинг замонавий турларини ишлаб чиқаришдир. Бунга кўра хитойлик ва ўзбекистонлик мутахассислар ҳамкорлигида автоматлаштирилган тизим лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа асосида республикамизнинг барча туман, шаҳар, вилоятларида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Орзугул РУСТАМОВА

## Муҳофазат, муҳофизат

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ОБОДОНГАРЧИЛИККА  
ҲАММАМИЗ  
МАСЪУЛМИЗ

Юнусобод мавзеининг Шахристон бекатида бунёд этилган тўққиз қаватли уйга кўчиб келганимизга тўрт йилдан ошди. Келган йилмиз уйимиз олдида қолган бўш ерлар кўни-қўшиларимиз томонидан талаш бўлди. Улар муросага келишди. Олган олди, қолган қолди. Томорқага эга чиққан кўшиларимиз ҳар йили эрта баҳорда ўша ерларни оқиб қилиш билан банд. Дарахт экишди, гуллар ҳавтиришди, ишқилиб ўтган-кетган кўра эҳтисоб келадиган қилиб қўйишди. Лекин ҳамма эмас...

Ушанда талашиб-тортишиб ер олган баъзи оилалар шу вақтгача томорқасига ҳали ҳам битта чўп қадамади. Уша жой ҳамон қаровисиз, ташландик бўлиб ётибди. Яқинда шундайлардан бирига «Агар вақтингиз бўлмаса томорқанигизни ўзга қўшнига беринг, фойдалансин, оқиб қилсин», қабилида гап қилсақ, у: «Ер меники, хоҳласам унга қарайман, хоҳламасам йўқ» дейди қатъий оҳангда.

Ахир бир уйда 60 дан ортиқ хонадон яшайди. Демак, унинг атрофи оқиб бўлишига ушбу уйда яшовчиларнинг барчаси масъул. Нега энди бир-иккита одам ўзбосиқчилик қилиб, кўпчиликнинг озига оёқ тирайди-ю биз томошабин бўлиб қараб туришимиз керак. Шу мақсадда уйимиз бўйича йиғилиш ўтказдик. Йиғилиш ахли бир овоздан қаровисиз қолган шундай ерларни ўзга оилалар ихтиёрига ўтказиб беришга азму-қарор қилди. Аммо у кўшни ёз-ёздан чарчамапти, бизни эса сўроғга тутиш тўхтамапти. Ана шуниси алам қилади.

Холик АБДУЛЛАЕВ  
БИЗ ТАРОЗИДАН  
УРМАЙМИЗ

Қассобхонага гўшт харид қилгани кирдик. Ингичка, чиройли қилиб қовун тилимидек бир текис кесиб, осиб қўйилган гўшт бўлақларига қараб ҳавасим келди.

— Килоси неча пул? — сўрайман сотувчидан.

— 2 минг 200 сўм. Мана бу сон гўшти 2,5 минг сўм. Лаҳими эса 3 минг сўм. Айтинг, қай биридан тортай?

— Битта молнинг гўштини булар? — хайрон бўлиб сўрайман.

— Ха, битта молники.

— Нега бўлмаса нархи ҳар хил?

— Энди ўзига қарабда тоға. Хеч ким лаҳими 2 минг 200 сўмга бермайдику.

Тавба, олдин қассоблар битта мол сўйишга гўштини бир текис майдалаб бир хил нарҳда сотишарди. Энди эса турларга ажратиб уч хил нарҳда сотишадиган бўлишибдида, — деб уйлайман ўзимча. Қараб турсам кўпчилик харидорлар бу одатга ўрганиб қолишган

## ОМОНАТЧИЛАР КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолининг банкка омонат қўйишдан манфаатдорлиги йил сайин ошиб бораёттир. Бунинг исботини «Узсаноатқурилишбанк»ка қўйилган мuddатли ва жамғарма омонатлари миқдори жорий йилда қирқ миллиард сўмдан ортганидан кўриш мумкин. Бу ўтган йилнинг шу дарағига нисбатан 140 фоиз кўп демасдир. Мижозлар сони эса шу йилнинг ўзида яна тўрт мингга кўпайди.

шекилли сотувчига айтганини бериб, гўштни харид қилиб кетишди.

— Келинг тоға, буниси ёқмаса манаву кўйи гўшtidан торта қолай, — дейди сотувчи харидорни йўқотгиси келмай. — Мой чайнай-сиз, олмасангиз ҳам бир кўриб қўйинг гўштни.

Хуллас савдолаша савдолаша 2 килограмм гўштни 5 минг сўмга харид қилдим. Сотувчи уни дархол ўраб халтага тикди.

— Тарози тўғрими ишқилиб? — гўштинг чўғи қамлигини кўриб сўрадим қассоб болдан.

— Бировнинг ҳаққи тешиб чиқади тоға. Биз тарозидан урмаймиз.

Уйга келиб тортсам икки килолик гўшtidан 300 грамм кам чиқди. Бу нима? Тарозидан урмаслики ёки кўзингга қараб туриб алдамми?

Мансур КАРИМОВ.

САНАМАЙ  
САККИЗ ДЕМА

Йўл юрган одам турли-туман воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Тунов кунни автобусда бораётган эдик. Олдинги ўриндакида ўтирган ясан-тусан кийиниб олган ўшигина жувон чипта олмоқчи бўла туриб чўнтакларини бирма-бир қавлаб чиқдида, тўсатдан бақирди қолди.

— Вой улмасам, пулим йўқ, — у шундай дея олдида тик турган йигитга ёпиша кетди. — Сен олгансан, ҳозир бер пулимни. Бўлмаса кунингни қўсатаман.

— Тўхмат қилманг опа, — деди йигит бу ўринсиз таънадан хижолат тортиб.

— Хой, ука, томошабин бўлиб турмай беририк келсангизчи, куппа-кундуз кунни бировни тунаб кетса ҳам индамай тураверасизми? — дея жувон автобус салонидан бораётган миллия кийимдаги йигитни ёрдамга чақирди.

Орага миллияни ҳодими аралашди. У кела солиб «Мен олганим йўқ, бу тўхмат ахир», деганига қарамай йигитнинг кўлидан тутди.

— Опазон, билиб-билмай бировга осилавермай олдин қўлингиздаги сумканигизни ҳам яхшилаб қаранг. Кўриб турибман бу йигит беғуноа. Ахир сиз ўриндакида ўтирган бўлсангиз, тик турган одам қандай қилиб сизнинг чўнтагингиздан ҳамёнингизни олиб қўяди, — гапга аралашди унинг орқасидаги ўриндакида ўтирган ўшигина аёл.

— Сиз ёнини олмай қўя қолинг. Булар шунга устаси фаранг бўлиб кетишган, — жерка туриб сумкасини титқилай кетди «жабр-дийда» аёл. Кейин у бирдан жимиб қолди.

— Вой улсин, ҳамёним сумкамда экан, — деди бўшашиб.

Санамай саккиз дема, деб шунга айтадилар-да.

Йўловчиларнинг ўткир нигоҳига дош беролмаган аёл кейинги бекатда автобусдан тушди.

Қобил ИСОҚОВ

Ёз — айни пишиқчилик, тўкин-соқчилик палласи. Бозорлар, дастурхонларимиз ёз неъматларига тўлиб-тошади. Бироқ йилнинг шу фаслида ўткир юқумли ичак касалликларининг кўпайиши ҳам сир эмас.

АҲОЛИ  
САЛОМАТЛИГИ  
ЙЎЛИДА

Мавсум давомида жойларда санитария ҳолати ва эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш тиббиёт муассасалари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Пойтахтимизда бу масала жиддий назоратга олинган. Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази /ДЭСЭМ/, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси каби мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

— Пойтахтимизда эпидемиологик вазият барқарор, — дейди шаҳар санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокорининг ўринбосари Вазира Муталова Уза муҳбирига. — Бу, аввало, тиббиёт ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларининг мунтазам олиб борилаётгани билан боғлиқ.

Ёз ойларида ўткир юқумли ичак касалликларига кўпроқ болалар чалинади. Маълумки, бундай касалликлар шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Ота-оналар фарзандларининг овқатланиши, юриш-туришига ҳар доим ҳам эътибор беравермайдилар.

Ҳозирги кунда шахримиздаги барча поликлиникаларда болалар ўртасида диарея, ичбурч, вирусли гепатит сингари юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва даволаш учун махсус пунктлар очилган. Улар зарур дори-дармон воситалари билан таъминланган.

Халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда болаларни ўз вақтида текширувдан ўтказиш ва улар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаёттир. Мактаб ва боғчаларда болаларнинг соғлигини мунтазам назорат қилиб бориш ишлари йўлга қўйилган.

Кўпинча сифатсиз, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ўткир юқумли ичак касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис ДЭСЭМ ходимлари томонидан савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари маҳсулотлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Ушбу марказдан маълум қилишларича, йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида шаҳар бўйича бир неча тонна яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётгани аниқланган ва улар тегишли тартибда йўқ қилинган. Уларнинг салмоқли қисмини ноқонуний йўллар билан хориждан келтирилган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади.

Савдо-сотик ҳамда санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилмаган фуқароларга жарима солинмоқда. Бундай қоидаларга амал қилмаган объектлар фаолияти тўхтайтиб қўйилмоқда.

Турли юқумли касалликларнинг тарқалмаслиги кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Шу боис бу ишни фақат тиббиёт ходимларига ташлаб қўймай, ҳар биримиз зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз лозим.

Рустам ЖАББОРОВ,  
ЎЗА муҳбири

## ЯНГИ ЛИНИЯ ШАРОФАТИ

«Офис трейдинг» хусусий фирмасининг янги қурилган замонавий ишлаб чиқариш цехига Германиядан «Хейделберг» линиясининг келтириб ўрнатилиш нафақат маҳсулот турларини кўпайтиришда, балки сифати ва рақобатбардорлигини бир неча баробарга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

— Мамнуният билан айта оламизки, бугунги кунда ўз йўналишимиз бўйича дадил одим ташлаётганимиз боис ҳам, — дейди фирма директори Хусан Мамасайдов, — ички бозорда муносиб ўрнимиз бор. Ўтган йил охирида молиявий мадад — 400 минг евро миқдоридagi кредитдан самарали фойдаланиб энг замонавий босма ускуна-сига эга бўлдик ва у бизнинг маҳсулот тури ва сифатини оширишдаги имкониятларимизни янада кенгайтирди, янги иш ўринларини очишга муваффақ бўлдик. Биргина канцелярия йўнали-

шимизни оладиган бўлсак, ўзимиз ишлаб чиқарган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимиз ҳажми ортди, турлари эса 30 хилдан зиёдни ташкил этади.

Ҳақиқатан ҳам корхонада ўтган йилда 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилганини эътироф этадиган бўлсак, бу маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортганини кўрсатади. Маҳсулотларни харидорларга етказиб беришда эса пойтахтимизнинг «Ўрикзор» даҳасида жойлашган етакчи фирма дўкони муҳим аҳамият касб

этиб, офис билан ёнма-ён жойлашган ушбу савдо шохобчасида барча қулайликлар мавжуд.

Шунингдек, мамлакатимиз вилоятларида ҳам «Офис маркет» номи билан 20дан зиёд фирма дўконлари фаолият юритиб, уларда корхонада ишлаб чиқарилаётган сифати ва рақобатбардор товарлар савдоси йўлга қўйилган. Пойтахтимизнинг Миробод туманида яқин кунларда корхона филиалининг янги биноси ишга туширилади.

Албатта, бугун юртимиз бозорида муносиб ўрин эгаллаган тадбиркорлар келгусида ўзларининг янги-янги излан-ишлари, сифати, арзон ва қафолатли маҳсулотлари билан жаҳон бозорларига чиқини кўзлашмоқда. Шу боис ҳам ҳозирда бир қанча хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Рустам ОРИФХЎЖАЕВ



## Шарқ дурдоналари

Озоз ўтгани  
Домо бўлур...

● Анушервон бир куни Юнондан:  
— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:  
— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Хормус ҳаким сўзларидан. У айтди:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўрганган, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўқсинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қарҳомон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини суз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

● Бузургмехр айтди:

— Билгинки, ҳаким ўз табиати билан қуйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фарҳанмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўриб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажақда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишолмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар қуйидагилардир: Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешари бўлиши.

● Насихат қабул қилмаган кишига насихат қилмоқ ўз қадрини синдиришдир. Очқуз кишини очқузликдан қутқариш учун уринмоқ ўз вақтини беҳуда ўйқотмоқдир. Жаҳонда тараққий қилмоқчи иштиёр қилган кишилар иши одобага яқин бўлмоқ, ёмонлик қилишдан қочмоқ, яхши дўстларга сўянмоқ ва ҳамсухбат бўлмоқдир.

● **Яхшилик қилишга бўлмаса имкон, ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга.**  
**Қўполлиқни ташлаб, лутфингни кўрсат, Токи чўп тушмаган, соглом кўзингга.**  
**Бировнинг гийбатин қилмагин асло, Ночорлик боқмаган, нурули юзингга.**  
**Ҳар кимга юмшоқ сўз гапиролмасанг, Захар қўшмай гапир ҳар бир сўзингга.**

● **ҲИҚМАТ:** Ҳакимларнинг ҳикматларидан келтирилганича, ёлғизликдан қўра қийинроқ меҳнат йўқ. Бироқ ёлғизлик ёмон улфатдан яхшироқдир.

Байт:  
**Ёлғизликдан оғир ганж йўқ жаҳонда, Ундан баттар нима?**

**Биласанми ҳеч? Ёмон улфат билан яшамоқ эрур, Бундай кишилардан узок юру кеч!**

● Саҳий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиатли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол қабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, қабдуий хилларни бошлаб келади. Агар ширин хилди жойлардан ўтса, муаттар испарни келтиради.

Байт:  
**Ҳар кимнинг бор экан танида жони, Ким билан сўзлашса, бўлар таъсири.**  
**Ёмонлик бўлмаса кишининг афзоли, Доим яхши билан хуш суҳбат қура.**

## Мановлар

## «УСТОЗЛАР ДАВРАСИДА»

Шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимнинг «Бунёдкор» ёшлар телеклуби билан ҳамкорликда «Устозлар даврасида» номли кўрик-танлов ўтказилди.

Ушбу танлов Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог ходимларининг иш тажрибаларини оммалаштириш ва педагог ходимларнинг лотин графикасини қай даражада ўзлаштирганлигини, бошқа миллат тўғрисида раҳбарларининг ўзбек тилида

фикр билдириш маҳоратларини, шунинг билан бирга «Йил тўғрисида раҳбарни» аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Танловда Учтепа, Бектемир, Ҳамза, Сергели, Юнусобод, Шайхонтохур туманлари ва Шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти марказидан учта ўзбек ва битта рус миллатига

мансуб тўғрисида раҳбарлари қатнашдилар.

Кўрик-танлов, тўрт шарт, яъни янги педагогик технология, лотин графикасининг ўзлаштириш даражасини текшириш, бошқа тилда сўзлашувчи тўғрисида раҳбарларнинг синови, ижодий мавзуга бўйича ўтказилди.

Мактабдан ташқари таъ-

Игорь Гаенко яқинда 40 ёшга қиради. Лекин у бу байрамни дўстлари, яқинлари даврасида эмас, аввал бериб келган манзилда нишонлайдиган бўлди. Қирққа кириб ақл-хушини пешламаган Игорь аввал икки бор суд олдида жавоб бериб, қилмишига яраша жазо олганди. Энди кўпчилик қатори тинчгина ҳаёт кечириб йўлини танласа бўларди. Лекин, Игорнинг эски касали яна кўзида.

## Жиноят жазосиз қолмайди

БОШИНГА  
НЕ БАЛО КЕЛСА...

Спиртли ичимлик ичиб сал «қизиқ» олган Собир Раҳимов туманидаги Ниёзов кўчасида жойлашган 19-уйнинг 91-хонадонига ўғрилликка кирди. Нархи 150 минг сўмлик велосипедни олиб чиқиб кетаётганида қўшнларнинг қўлига тушиб қолди. Ўғри йигитнинг яқин қўлимишдаги ҳаракатлари ва сўнги қилмишлари ҳисобга олиниб ҳаффи жиноятчи сифатида 5 йил-у 8 ойга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарилиди.

Ўғри. Бу номни олишнинг ўзи қанчалик оғир. Қодир Худойберганоўни билганлар шу ном билан ата мумкин. У тузини ичиб, тузлигига тупурди. Худойберганоў ўзи ижарада туриб истиқомат қилаётган хонадон ёнидаги уйга ўғрилликка тушиб бир қароватни ўмарди ва сотиб юборди. Бунинг натижаси эса суд ва тегишли жазо билан яқунланди.

Қинғир ишининг охири вой бўлиш барчага маълум. Лекин Дилмурод Уринов билан Иброҳим Шосаидовлар охирини ўйлаб ўтиришмади. Бу йўлда ўзларича «устомон»лик қилмоқчи бўлдилар. Ҳар иккиси муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат ҳисобланувчи прокуратура ходими гувоҳномасини қалбакилаштириш мақсадида ўзаро тил бириктирдилар. Ниҳоят қалбаки ҳужжат ҳам тайёр бўлди. Энди ниятни амалга оширса бўлади. Ният ҳам чакки эмас. Қозғоғистондан ноқонуний мол олиб келувчиларга ёрдам бериш. Бунда қалбаки ҳужжатдан фойдаланса бўлади. Лекин, ният амалга ошмади. Фирибгарлар тезда қўлга тушишди. Ҳар иккиси — Иброҳим ҳам, Дилмурод ҳам те-

гишли жазосини олдилар.

Шухрат Рўзиев бироқ неча бор турли муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Бундан 35 ёшли бу йигит ўзига тўғри хулоса чиқара олмади. Яна жиноят кўчасига кирди. Собир Раҳимов тумани Қорақамиш мавзесида кўчаларни ёритувчи 22 метрлик қимматбаҳо электр ўтказгич симни узиб, ўғирлаб, ўзининг моддий аҳволини яхшилаб олмоқчи бўлди. Аммо бундан унинг аҳволи баттар ёмонлашди. Қилган жинояти учун қаттиқ тартибдаги колонияда 5 ярим йиллик умрини ўтказадиган бўлди. Яна қамоқ, яна озодликдан маҳрум этиладиган йиллар. Шухрат бунга панжара ортида ўтириб чуқур ўйлаб хулоса чиқарармикан?!

Муштумзўрлик ҳам яхшилик келтирмайди. Бунга энди судланган Тошкент шаҳрида яшовчи Аловоддин Мирзаев ва Дониёр Маҳкамовлар яхши билишади. Суд, терговдаги савол-жавоблар, ортиқча сарсон-саргардонликларни ҳар иккиси ҳам ўз бошларидан ўтказишди. Аловоддин фуқаро Ибодовга тан жароҳати етказган бўлса, Дониёр фуқаро Язиевга кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Оқибати суд ва тегишли жазо билан тугади.

Зеро, халқимизда бошинга не бало келса ўзиндан кўр деган нақл бекорга айтилмаган. Қинғир ишининг қийми қирқ йилда ҳам очилиши, жиноят жазосиз қолмаслигини англаб олсақ фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Нажиддин ШАЙХОВ,  
Собир Раҳимов тумани  
прокурорининг  
катта ёрдамчиси**

ИСТЕЪДОДЛИ  
ЁШЛАР КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида маданият, санъат ва мусиқа махсус коллежалари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танлови голиблари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан бундай тадбирларни ўтказиш аънаънага айланди. Бу концертлар иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга ёрдам беради. Шуниси эътиборлики, улар республика ва халқаро танловлар, фестивалларда ҳам фаол иштирок этиб, совриндор бўлмоқда.

Концертда миллий мусиқалар янгради. Ижро этилган наволар миллий санъатимиз бой ва кўп қирралли эканини яна бир бор намоён этди. Томиршабинлар Ўзбекистон истеъдодли ёшлар мамлакатига эканига ишонч ҳосил қилди.

ЎЗА

лим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларидан энг яхши педагогик технология, ўзбек тилини мукамал ўзлаштирган рус тўғрисида раҳбари, шартлари бўйича голиблар аниқланди. Биринчи, иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган голиблар шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нафиса ИГАМНАЗАРОВА,  
Низомий  
номидаги Тошкент  
Давлат педагогика  
университети талабаси**

ОЛАМ  
ЯШИЛЛИККА  
БУРКАНСИН

Ҳар йили 5 июнь ер юзида Атроф-муҳит кунини сифатида кенг нишонланади. Жорий йил ушбу сана БМТ ташаббусига мувофиқ «Шаҳарларимизни яшил либосга буркайлик!» шiori билан ўтати.

Маълумотларга қараганда, 2030 йилга бориб сайёраимиз аҳолисининг ярмидан кўпроги шаҳарларда истиқомат қилади. Бу — аҳоли тизимини яхшилашнинг шундай ҳудудларда инсоннинг ҳужайли фаолиятининг табиатга салбий таъсири кучайишига олиб келади. Бунинг олдини олишнинг энг мақбул усули — шаҳарларда экологик вазиятни барқарорлаштирадиган «яшил қалқон»лар барпо этишни таъминлашдир.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Жаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва элчионалар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи С.Самойлов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ф.Ақчура, «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Ю.Шодиметов ва бошқалар мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи Президентимиз Ислам Каримов юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидладилар. Мустақилликка эришилган дастлабки йиллардаёқ қабул қилинган «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун бу борадаги ишларни мақбул тизимга солиш ва экологик вазиятни барқарорлаштиришда муҳим асос бўлаётди.

Мамлакатимизда табиат бойлиқларидан оқилона фойдаланиш, иқлим исоши, чўлланги билан боғлиқ экологик муаммоларнинг олдини олиш, аҳоли экологик маданиятини юксалтириш борасида кенг қўламда иш олиб борилаётди. Бунда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, маҳалла, мактаб ва таълим муассасалари ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Анжуманда мамлакатимизда табиатни муҳофазалаш борасидаги устувор вазифалар, бу борадаги халқаро лойиҳалар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг муҳим йўналишларига бағишланган маърузалар тингланди. Экологик мувозанатни таъминлашга оид янги нашрлар кўргазмаси намойиш этилди.

ЎЗА

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Меҳрли савдо» Давлат корхонаси 2005 йил III чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:

- шакар
- сариёғ
- биринчи тоифали музлатилган мол гўшти

Тендер тақлифларини қабул қилиш ҳамда тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9-00 дан 17-00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:

Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92. Тақлифларни қабул қилишнинг охириги мuddаги 2005 йил 24 июнь, соат 17-00 гача.

Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:

- ҳар хил турдаги ёрмалар, жумладан:
  - гуруч, майдаланган ноҳот, перловка, гречка, ловия, мош;
  - какао кукунни, кофе, чой;
  - хамиртурush (дрожжи), лавр япроғи, майдаланган қора муруч.
- Шу билан бирга корхона Россияда ишлаб чиқарилган оғирлиги 1/340 граммли димланган мол гўшти консервасини сотади.

Бу — қизик

## ПАРХЕЗ ЭКИ ИШДАН БЎШАШ

Филиппин пойтахти Маннилада хизмат қилувчи ҳаддан ташқари семиз полициячилар оғир аҳволда қолишди.

Пойтахт полиция маҳкамасининг бошлиғи, қўл остидаги семиз ходимларнинг қатъий пархезга ўтишлиғи ҳақида буйруқ чиқарди. "Бизнинг полициямиз ходимлари ичмам ва эстетик томондан халққа ўрнак бўлишлари керак", — деди у. Бир ой давомида пархез ёрдамида озига курб етмаганлар махсус спорт марказларига "қайта ўқиш" учун юборилдилар. Бошлиғнинг буйруғини менсимасанлар эса ишдан ҳайдалишлари ҳам мумкин.

## АСАЛАРИЛАР ХУЖУМИ

Австриянинг Линце шаҳри ўт ўчирувчилари черков хизматчилари ва бу ерга келувчиларни асаларилар ҳужумидан қутқариш учун чақирилганлар.

Бу ҳашаротларнинг катта тўдалари черковнинг бош эшигидан ичкарига учиб кириб, деворнинг турли ўйдим-чүкүр ерларига жойлашиб олганлар. Арларнинг бир қанчаси кираверишдаги зинапояларда ёпишиб олишган. Етиб келган ўт ўчирувчилар ҳар галгидек шлангдан сув сепганлар.

Бирок черков ичкарисидаги арларни бу усул билан ҳайдаб бўлмади.

Арлар фақат ҳашаротларга қарши ишлатилган аэрозолга чидаш бера олмадилар.

## КАШШОФ — САЁХАТЧИ

Жаҳон бўйлаб пиёда саёхат қилиш ҳозир тобора мода бўлиб бораётган.

Миннесота шабонари Васека шахрида истиқомат қилувчи америкалик Дейвид Канст ана шундай олис масофаларга пиёда саёхатларнинг кашшофи экан. У 1970 йилда йўлга чиқиб, ўз саёхатини орадан тўрт йил у ой ва ўн олти кундан сўнг — 23.300 километр масофани пиёда босиб ўтиб, нихоясига етказган экан. Дейвид тўрт китани кешиб ўтиб, сафар чоғида йигирма бир жуфт пойфазални алмаштирган экан.

## БЕГЕМОТДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Жанубий Африка Республикасида истиқомат қилувчи Питер Кнупнинг машинаси катта йўлнинг кимсасиз участкасида... бегемот билан тўқнашиб кетди.

Бегемот йўлга ҳалбат тушди, ўтакаси ёрилган ҳайдовчи эса дарҳол яқин орада жойлашган госпиталга йўл олди. Гап шундаки, ЖАРда маст ҳолда машинани бошқарганлик учун катта жарима тўлаш кўзда тутилган. Ҳайдовчи маст эмаслиги ҳақида спрравкани қўлга киритди, аммо у ҳайвонни қасддан уриб юбормаганлигини қандай қилиб исботлаш мумкин? Кнуп полициячилар билан дарҳол воқеа рўй берган ерга йўл олди. Аммо бегемотнинг йзи ҳам қолмаган экан. Орадан кўп вақт ўтмай у ўзига келган ва йўлда давом этган бўлиши эҳтимол.

Тўғамларда

# МАҲАЛЛА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Собир Раҳимов туманидаги «Хастимом» маҳалласи шахримиздаги аҳолиси энг кўп бўлган маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳалла фуқаролар йиғини ўзига юклатилган барча вазифаларни ўз вақтида бажара бориб, аҳолининг турли масалалар бўйича қабулни жадвал асосда ташкил этиб келмоқда. Маҳалла маркази хоналари, унинг ҳудудларидаги масканлар доимо маҳалла фуқаролари билан гавжум. Маҳаллада туман ҳокимлиги вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Шу билан бирга маҳаллада ўтказиладиган бошқа барча тадбир ва маросимлар ҳам тартибли равишда уюштирилиб борилади.

Жорий йилнинг 4 ойлик иш натижаларига кўра «Хастимом» маҳалла аҳолисининг давлат олдидаги мажбурий тўловлари ўз вақтида тўлаб қўйганиликлари ва шу даврга нисбатан қарзлари йўқлигини, ёки маҳалла ҳудудида жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида атиги уч тагина унча катта бўлмаган тартибузарлиқнинг рўйхатга олинганлигини маҳалла фуқаролар йиғини ва фаолларнинг кенг жамоатчилиги қаторида узлуксиз равишда олиб бораётган қатор тадбирлари ва тушунтириш ишлари натижасидир, десак адашмаймиз.

— Маҳалла аҳолиси ўртасида тинчлик ва оқсоқиллик доимий таъминлаб бориш, ҳудудларни ободонлаштириш, айрим оилаларда учраб турадиган келишмовчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш каби муҳим масалалар билан бир қаторда кам таъминланган оилалар аъзолари билан тез-тез учрашиб, уларга имкон қадар ёрдам бериб бориш ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг асосий диққат марказида тура-

ди, — дейди биз билан суҳбатда. "Хастимом" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Фарҳод ака Умаров. — Кўни кеча маҳалланинг Олча тор кўчасида яшовчи кам таъминланган оила — Марат Аҳмадхўжаевнинг хонадонида бўлиб ўтган суннат тўйи ҳам маҳалла фаолларининг ташаббуси ва моддий кўмаги асосида жуда чиroyли ва файзли ўтди. Дастурхон ёзилиб, ош тортиди. Ҳофизлар ёқимли овозлари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Маҳаллада олиб борилаётган кўпгина хайри ишлар қаторида ёш авлоднинг соғлом ва бақувват бўлиб камол топишларида болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бериб келинаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Шу маънода маҳалла аҳолисининг ташаббуси, куч ва маблагги ҳисобига ҳашар йўли билан Олча тор кўчасидаги бўш майдонда қурилиши 2004 йилда бошланган ва ҳозирда битиш арафасида бўлган болалар спорт майдончаси ва дам

олиш хоналари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу спорт майдончасининг яқин ўртада фойдаланишга топширилиши ўз навбатида маҳалла ҳаётида жуда катта қувончли воқеа саналиши билан бирга ёшларнинг бўш вақтларини бекор ўтказмасликларида, соғлом ва бақувват бўлиб ўсишларида катта аҳамият касб этади. Қолаверса, спорт майдончасининг ишга туширилиши Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрамига «Хастимом» маҳалласи фуқароларининг ўзига хос тўхфаси бўлади десак ҳам хато қилмаймиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТДА:** Маҳаллада кам таъминланган оилаларга доимо кўмак кўрсатиб келинади.

Нўмон Муҳаммадзонов олган сурат.

Мунажжам башорати

## ХОҲЛАГАН ИШИНГИЗНИ БОШЛАЙВЕРИНГ

7 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Бугунги сешанба астрологик хусусиятлари бўйича икки қисмга бўлинади. 7 июнь киришига икки дақиқа қолганига фақат покланиш ва эски ишларни яқунлаб қўйишгина мумкин бўлган олдинги ойнинг сўнгги кунини давом этади.

Янги Ой чиқишидан то сиз яшаيدиган жойда Куёш кўтариладиган пайтгача кириб келган ойнинг биринчи кунини ҳисобланади. Шу кеча-кундузда ўзингиз ҳаётга таътибик эътибор қўлган ишларга диққат-эътиборингизни жамлашингиз гоёт фойдалидир. Ой чиқиши билан унинг иккинчи кунини бошлангани ва яқин келажак учун ҳаракат режаларини ишлаб чиқишининг энг матлуб имконияти пайдо бўлади. Лекин соат 21.51 дан 23.00 гача Ой сайёрасининг йўналиши ҳолатда бўлиши ҳар қандай пухта ўйланган режанинг ҳам рўёбоғ чиқишини мураккаблаштиради.

Шундай қилиб, бугунги кун янги даврга ўтиш, янги режаларни амалга оширишга киришиш кунини экан. У турли амалий мулоқотлар, янги танишувлар учун, қийин-кечаклар харид қилиш, санъат билан ошно бўлиш учун қўлга ҳисобланади. Кишлоқ ҳўжалик эканларини парваришлаш, мевали дарехтларни суғориш, зараркундаларга қарши кураш чораларини қўриш ҳам бугун самарали бўлади.

Едингизда бўлсин — бугун харид қилинган қийимларнинг ҳаммасини шу бўлнқоқ қийишингиз керак. Бугун ижодий салоҳиятингиз рўй-рост намоён бўлиши мумкин. Фақат шовша-шошарликка йўл қўймай, ети ўлчаб бир кесиб, обдон пухта ўйлаб иш тутуш зарур бўлади.

Кун бўйи кўзга ташланадиган аломатларга эътибор қилинг: агар устингизга қуш пати тушса ёхуд юзингизга кучли шамол урилса — булар яқин келажакда омаднинг келишига ишора. Мабодо, калитингизни тушириб қўйсангиз, қулфингиз бузилиб қолса ёки бирон идишдаги дон сочилиб кетса — бу аломатлар яқинлашиб келаётган хавф-хатардан оголхатириндир. Бир исмини кун давомида бир неча бор ашитсангиз — бу сиз учрашадиган киши ҳақида берилган хабар ҳисобланади.

Кўрадиган тушларингиз унқалки аҳамиятга молик эмас, уларга ишониб ўтириш ёки таъбири устида бош қотиришингиз ҳолати йўқ.

Бугун юрак-қон томир тизими заифлашган бўлади. Шунинг учун ўзингизни қаттиқ уринтирманг, мулоҳаза билан иш юритинг.

Тоза ва ёрқин рангларидаги қийимлар бугун сизга омад келтириши мумкин. Оқ, сарик ва оч яшил ранглар ҳам бугунги кун руҳига мос келади. Ҳар қандай қорамтир ва кулранг либослардан бугунча воз кечинг.

**БУГУНГИ СЕШАНБАДА:**

- бир йўла бир неча ишга қўл уриш;
- янги танишлар орттириш, амалий алоқалар ўрнатиш;
- дўстларга ёрдам қўлини чўзиш (бу энг аввало ўзингизга фойда келтиради);
- тижорат ва восита-чилик ишлари билан шуғулланиш;

— совга-саломлар ва ёдгорлик буюмлари харид қилиш тавсия этилади.

Оилавий муносабатларни ҳал этишга ортқча вақт ва куч сарфлаш мақсадга мувофиқ эмас.

## ДАДИЛИК ВА ҚАТБИЯТ КЕРАК 8 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Бугун ҳам олдиндан ўйлаб қўйган ишларингизга дадил яқинлашавиришгиз мумкин. Лекин жамоатчилик фаолиятига киришиб кетишга ошкманг, ўзингизни ортикча уринтирманг. Кўпчилик кўз ўнгидан ўзингизни кўрсатишга кўп ҳам қизиқарманг. Пархезнинг янги туркумини бошлашингиз мумкин. Тана аъзоларини тозаловчи муоалалар фойдали бўлади. Йога билан, жанговар кураш турлари билан, бадан тарбия машқлари билан шуғулланишга алоҳида вақт ажратинг.

Кун гайриоддий воқеа-ҳодисалар, қутилмаган янгиликлар, дабдабали юришлар учун қўлай ҳисобланади. Денгиз ва дарёлар бўйлаб саёхатлар, уй ҳайвонларини харид қилиш, уй ишлари, йиғиб-териш, дам олиш учун ҳам бугун хайрли бўлади.

Имкон қадар энгил кийиниш (ахир ҳазирамаку) маъқул, табиий матолардан тикланган энгил ва кенг, шамолда хилпарат турадиган либосларда танангиз яйрайди, муздек шабадалардан баҳра оласиз. Кишиллар билан мулоқотларда сертавозе ва хайрихоҳ бўлишга интилинг.

Бугун тумчангиз ўзилиб тушиб, ялдираб кетса — бу тўсиклардан халос бўлишингизга ишора. Бирок, узунгиз, зирагингиз кўзининг тушиб кетиши эса, бунинг тескарисини билдиради.

Ошқозон ва ички аъзолар бир мунча заифлашган бўлади. Бинобарин, ҳеч бўлмаганда, нимпархезга риоя этиш, махсус бадан тарбия машқларини бажариш талаб этилади. Спиртли ичимликлар истеъмолдан ўзингизни тийинг.

Рангдор ва ҳаммаси эсда қоладиган тушларингиз башоратли бўлади. Аслида бу кеча ҳеч қандай туш кўрмаган маъқул. Очик ҳавода ёки деразаларни очиб қўйиб уланг.

Ёзга хос оппоқ, ёрқин рангларидаги қийимларни танланг. Қўёш тафтини тортадиган ранглардан қонгангиз маъқул.

**БУГУН:**

- узоқ саёхатга ёки хизмат сафарига йўл олиш;
- илмий-тадқиқот ва таҳлилий ишлар билан машғул бўлиш;
- ҳужжатлар ва қимматли қоғозларни тартибга келтириш;
- уй, гараж, ҳаммом қурилишини бошлаб юбориш;
- турли муаммоларни бартараф этишда ўз билан, тажриба ва салоҳиятингизга таяниш тавсия этилади.

Ҳарлик қилиш, юзага келган ҳолатларни ҳисобга олмасдан иш қўришдан ўзингизни асранг.



Жума кунини "Пахтакор" марказий стадионига йиғилган мухлислар Жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи босқич иккинчи даврасининг Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея терма жамоалари ўртасидаги учрашувини гувоҳига айланмишди.

Сўғиш

## САНОҚЛИ СОНИЯЛАР КОЛГАНДА...

Ўз гуруҳида бир очко жамғариб турнир жадалининг қўли поғонасида бораётган Равшан Ҳайдаров етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоасига галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рақибларимиз ҳозирда нафақат Осиёда, балки жаҳонда ҳам энг кучли терма жамоалардан бири ҳисобланади. 1948 йилдан бери халқроқ турнирларда қатнашиб келаётган, 1954, 1986, 1998 йилларда Жаҳон чемпионати финалида иштирок этиб анча тажриба орттирган жанубий кореяликлар 2002 йилги Жаҳон чемпионатида совини ўйинлардан бири — бронза медалларни қўлга киритишга қилиб ҳеч қимнинг ёдидан чиққан эмас.

Аммо, галаба иштиёқда майдонга тушган Ўзбекистон терма жамоаси ҳужумкор, тезкор, комбинацион йўл намойиш этдики, дарвоза томон уюштирилётган хавфли вазиятлар меҳмонларни саросимга солиб қўйди. Биринчи бўлимининг 20 — дақиқасида Жанубий кореяликлар дарвозаси томон тўрт марта бурчак тўпи белгиланиши фикримизни яққол исботлайди. Бош мураббий Равшан Ҳайдаров шу кунги терма жамоамизни қўйидаги тарихида майдонга туширди. Сафонов, Ашурматов, Алиқуллов, Николаев, Қосимов, (Кирьян), Ширшов, Кошелев, Копадзе, Гейнрих (Солеев), Карпенко, Шахиди. Тан олиш керак, майдонда тўпни узоқ ушлаб турми, майдон марказини эгаллаш, тўпни бир-бирига аниқ узатиш, дарвоза томон хавфли ҳужумлар уюштириш борасида ҳамюртларимиз меҳмонлардан устунлик қилишди. Аммо мухлисларни қувонтирган гол иккинчи бўлим ўрталарида. Шахиди томондан киритилди. Қосимовдан тўпни қабул қилиб олган Маским оқори тизилда рақиб ҳимоячисини ҳам алдаб ўтди ва дарвозани аниқ нишонга ола билди. Учрашув туғашига санокли сониялар қолган меҳмонлар қарши ҳужум уюштириб жавоб тўпни киритишди. Ҳакам томондан қўшиб берилган дақиқаларда ҳам футболчиларимиз ҳужумкор ўйин намойиш этган бўлсаларда 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг Саудия Арабистони — Қўвайт терма жамоалари ўртасидаги бахсида омад меъбонларга қилиб бокди. Учрашув 3:0 ҳисобида меъбонлар галабаси билан якулди.

Нима ҳам дердик, Германия яшил майдонларига элтидиган йўл Ўзбекистонликлар учун уюндирилган бўлса ҳам ҳақон умид бор. Фақат қолган баҳсларда галаба зарур.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

**Спорт**

**УЕФАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ**

Москвадаги ЦСКА жамоаси УЕФА Кубогининг финалида Португалиянинг "Спортинг" клубини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб бош совринни кўлга киритганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Этиборли томони шундаки, ўзбекистонлик иктидорли ёш футболчи, мамлакат ёшлар терма жамоаси аъзоси Виталий Денисов ЦСКА таркибиде тўп суради. "Спортинг" клубига қарши ўтказилган учрашуларда гарчи ўйин қайномасига киритилган бўлсада, ҳамюртисига майдонга тушмади.

Аммо у ҳам УЕФА Кубоги эгарига берилмади олтин медал билан тақдирланди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб ана шундай унвон соҳибига айланган Виталий Денисовни мухлислар номидан самимий кутлаймиз.

**СИХАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ**

Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Айниқса, кейинги пайтда турли муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ҳодимлари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилаётганлиги қувонарли. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт саломатлик гаровидир.

Кўни кеча шахримизда "Академикс-2005" деб номланган югуриш мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги илмий муассасалар ҳодимлари ўртасида ташкил этилган ушбу мусобақалар Сиҳат-саломатлик йилига бағишланди. Шуниси қувонарлики, ушбу тадбирда Фанлар академияси қошидаги илмий муассасаларнинг кўпгина ҳодимлари иштирок этишди. Қизиқарли ва муросасиз курашларга бой кечган югуриш мусобақаларининг голиблари ҳамда совриндорларига мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Қарабаев Абдувазис Абдусатторовичнинг "ВЕК ABDULAZIZ" ХФ га тегишли бўлган Бектемир тумани, Бектемир шоҳ кўчаси, 31-А уй манзилида жойлашган дўкон худудига Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан 23.10.2001 йилда берилган № 9204463175 кадастр рақамли Ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги муносабати билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"QO'CHOQOR-OTA" ХФ га тегишли бўлган Бектемир тумани, Ж.Остонов, 29-уй манзилида жойлашган ишлаб чиқариш худудига Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан берилган № 1302607060 кадастр рақамли Ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги муносабати билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Узоққа бормади, сўнги Афина Олимпиадаси тантанали очилиши маросимини бир ёдга олайлик. Лазерер, ўта мураккаб замонавий курилмалар юнон тарихи ва маданиятининг ўша энг қадимий маросимлари, урф-одатлари, ҳосил байрамларини жонлантириш мақсади хизматига қўйилди. Ва бу аслида ибтидоий лавҳалар курраи заминимиздаги миллиардаб кишиларни ҳайратга солди, эҳтиросларини жунбўшга келтирди.

Янги минг йилликка – XXI асрга қадам қўйилган бир пайтда Одам ато ва Момо ҳаво аждодларининг ўша илк, теран илдизларни идрок этишга қизиқиши, таъбир жоиз бўлса гоёт ташналиги тобора ортиб бораётганлиги фавулодда ҳодиса босқичига кўтарилмоқда. Афтидан, инсон заковати, оддий кўз эмас, балки ўта мукамал асбоб-ускуналар ҳам тилсимотини очишга заифлик қилаётган илмий жумбоқларга жавоб топиш ҳам, жуда кўна тарих қаъридаги унут бўлган ёдгорликларни асл ҳолатида тиклаш ҳам бирдек завқли, ҳаяжонли бўлса керак...

Лозаннадаги Олимпия музейида ҳам узоқ ўтмишга – спортнинг бугунги тараққиёти тўб илдизларига нигоҳ ташлашга ҳамз этилди.


Лозаннани ҳақли равишда Олимпияда пойтахти деб таърифлашади. Шаҳарнинг темир йўл дарвозаси – вокзал пештоқида айни шу сўзлар зикр этилган. Энг аввало Лозаннанинг бу шарафли номга сазовор бўлиши ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, янги Олимпияда ўйинларининг асосчиси, марҳум Пьер де Кубертен биринчи ҳаҳон урушининг олови Европани ҳам ўз домига олган бир вақтда жаҳон спортининг энг катта байрамини ташкил этадиган Халқаро Кўмита қароргоҳи учун бетараф Швейцарияни, унинг бетакрор табиати, кўҳна меъморчилиги, кўркамлиги, осудалиги билан маълуми машҳур Лозанна шаҳрини танлаган. Ўша вақтдан буён Халқаро Олимпия Кўмитаси шу шаҳарда фаолият кўрсатиб келмоқда.

ҲОҚнинг таркибий тузилмасидан ўрин олган Олимпия музейи 1993 йилда ташкил этилган. Бутун жаҳонда жуда машҳур бу маскан кўп жиҳатлари билан Тошкендаги Олимпия шон-шухрати музейига ўхшаб кетади. Лозаннадаги Олимпия музейи Ўзбекистон пойтахтидаги маскандек баланд, баҳа-во жойдан ўрин олган дарахтзор, гулзор ва яшил майсазорларга бурканган. Бу икки му-

қонли очиб бериш учун узоқ вақт тегишли миллий олимпия кўмиталари, халқаро спорт федерациялари, илмий муассасалар билан ҳамкорликда жиддий изланишлар олиб бордилар. Натижада 200 га яқин мамлакатнинг бир неча минг миллий халқ ўйинлари ва спорт турларидан ўн таси танлаб олинди. Кўргазма ташкилотчиларининг фикрича, худди ана шу миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ҳозирги Олимпияда ўйинларига киритилган спорт турларининг энг қадимий ва теран манбалари, илдизлари, дейиш учун етарли асослар бор.

Энг диққатга сазовор жойи шундаки, Япония, Хитой, Швейцария, Мўғилистон, Африка давлатлари миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари қаторида кўргазманинг энг нуфузли марказий ўрни ўзбек курашига ажратиб берилди. Бу бежиз эмас, албатта.

Кўргазмага кираверишдаги улкан паннода курашаётган полвонларнинг кўҳна чизмалари акс этган. Улар Навоий вилоят ҳудудидаги Ну-рота тизмасининг машҳур Сармишой қоятош расмлари (петрографлари) нусхаларидир. Ҳа, ўзбек кураши амалда 2,5-3 минг йиллик тарихга эгаллигидан нафақат ана шу қоятош расмла-



бошқа кўҳна шаҳарларнинг бетакрор обидаларидан яхши хабардорман, — дейди меъмор, Сараевода ўтказилган киши Олимпияда ўйинлари бош ижрочи директори ўринбосари вази-фасида ишлаган профессор Александр Трумик. — Улар қатори шу қадар қадимий халқ ўйинларининг мавжудлиги халқиниғизнинг бой маданий меросидан далолатдир. Ўзбек кураши билан бугун жаҳоннинг барча китталарида, 70 тадан кўпроқ давлатда жуда қизиқиб шуғулланишаётганлиги унинг ҳаммабоб, жозибали ва қизиқарли спорт тури эканлигининг жуда ишонарли исботидир.

Лозаннадаги халқаро бизнес мактаби ўқитувчиси Нанси улкан мониторлар орқали ўйинхоҳларни тўлдирган кураш илхосмандларининг олқишлари асосида бел олишган паҳлавонларнинг чапдастликларини томоша қилиб бўлган, жуда қойил қолганлигини билдирди.

— Каранг, ёнма-ён экспозицияларда Хитойнинг ушу ва Ўзбекистоннинг кураш миллий спорт турлари намойиш этилмоқда, — дейди Лозанна туризм коллежи ўқувчиси хитойлик Тянь Хуэй. — Уларнинг тарихи узоқ ўтмишларга бориб қадалиши ҳам эътиборлидир. Сўнги вақтларда аинқиса ўзбек кураши жуда тез омаллашиб кетганлигидан лол қолмасликнинг иложи йўқ, Демак, бу спорт тури кўпчилиқка маълум тушмоқда.

"Спорт манбаларини излаб" кўргазмаси томошабинларга ҳам манзур эканлигидан хурсандчилигини яшира олмаётган Лозаннадаги Олимпия музейи директори Франсиз Гебет шундай деди:

— Айнага кўра биз муваққат кўргазмаларимиз учун битта зал ажратар эдик. Кўргазма муддати ҳам ярим йилдан ошмас эди. "Спорт манбаларини излаб"га эса иккита энг катта залимизни – 720 квадрат метрли экспозиция стендларимизни ажратиб бердик. Миллий спорт турларига оид видеопанеллар ва заллардаги олти та монитор орқали узлуксиз намойиш этилмоқда. Ўзбек кураши, унинг тарихи, халқаро спорт майдонига дадил кириб келганлиги ва жадал омаллашиб бораётганлиги кўп сонли томошабинларимизни бефарқ қолдирмаслигига асло шубҳам йўқ. Бунди кўргазма очилган дастлабки кунлардаёқ музейимизга келаятган томошабинлар оқими ҳам кўрсатиб турибди. Кўргазма аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уни 2006 йил ўрталарига ҳам намойиш этишни режалаштирганмиз.


Ҳа, ўзбек курашининг довури довон ошмоқда. Бунинг таг-замирини жуда катта маъно бор. Президентимиз Имом Каримов таъкидлагандек: "Ўзбек курашида халқимизнинг рухиятига, асл хислатларига азал-азалдан сох бўлган фазилатлар: мардлик, жасурлик, баркиенглик, рақибига нисбатан олжаноблик, ҳаллолик, инсонпарварлик фалсафаси мўжассамлашган". Худди ана шу фазилатлар ўн, ўн минглаб кураш илхосмандларини ўз робитасига тортмоқда, уларда мардлик, жасурлик, тантилик, ор, гурурликни камол топтирмоқда.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ, Тошкент-Лозанна-Тошкент**

**ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ТАРИХИ ВА ДОВРУФИ**

**ОЛИМПИАДА ПОЙТАХТИ – ЛОЗАННАДА ЁРҚИН АКСИНИ ТОПДИ**

Тарихсиз келажак йўқ. Бу, бир қарашда жўнгина сўзлар заммирида олам-олам маъно мўжассамланганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсоният ўзга сайёраларни дадил забт этаётган, энг мураккаб жараёнларни илмий равишда аниқ асослаб бераётган, фан ва техника соҳасида ақл бовар қилмайдиган зафарлар қучаётган бир пайтда "мозийга қараб иш туттишга" мойиллик ҳам шу даражада кучаймоқда.



қаларда акс эттирилган полвонлар кураши тасвирлари ҳам гўвоҳлик бериб турибди. Айни вақтда "Алпомиш", "Гўрғули", "Авазхон", "Рус-там", "Тўлғаной", "Кунтуғмиш" каби қанчадан-қанча дostonларда халқимизнинг мард, эпчил, танти полвонлари мадҳ этилганлиги ҳам яхши маълум. Уларга мисол тариқасида халқ оғзакчи ижодимизнинг афсонавий қаҳрамонлари каби Паҳлавон Маҳмуд ва Паҳлавон Муҳаммад, Тумарис ва Барчиной номларини келтириш kifойа.



Ўзбек курашининг ана шу минглаб йиллик тарихи бой ва таъсирчан экспозицияларда ҳамда Халқаро Кураш Ассоциацияси томонидан махсус тайёрланган видеотасмада ўз ифодасини топган.

"Спорт манбаларини излаб" кўргазмасининг тантанали очилиши маросиминида сўзга чиққан Халқаро Олимпия Кўмитаси президенти Жак Рогг миллий халқ ўйинларини тиклаш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга, умуман олимпия ҳаракатига қўшаётган хиссаси, мазкур кўргазмада иштирок этаётгани учун Ўзбекистонга ўзининг катта миннатдорчилигини билдирди. Тадбирда сўз олган Лозанна шаҳри маъмурияти, Халқаро Олимпия Кўмитаси, халқаро спорт федерациялари вакиллари ҳам ўзбек курашига бағишланган экспозицияга юқори баҳо бердилар.

Биз биринчилардан бўлиб бу кўргазма билан танишганларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Ўзбекистоннинг жуда бой қадимий тарихи, дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива,

ри, балки археологик қазималар давомида Сурхон, Зарафшон воҳалари, Фарғона водийсидан топиладиган ашёлардаги, хусусан бронза даврига оид от тақаси, қадимий Бақтрияга таллаули сопол илдиш, Самарқанд яқинидаги Челақ қишлоғига мансуб кумуш дастали қадқоқча



ва бошқа кўплаб тарихий осори-атиқаларда акс эттирилган полвонлар кураши тасвирлари ҳам гўвоҳлик бериб турибди. Айни вақтда "Алпомиш", "Гўрғули", "Авазхон", "Рус-там", "Тўлғаной", "Кунтуғмиш" каби қанчадан-қанча дostonларда халқимизнинг мард, эпчил, танти полвонлари мадҳ этилганлиги ҳам яхши маълум. Уларга мисол тариқасида халқ оғзакчи ижодимизнинг афсонавий қаҳрамонлари каби Паҳлавон Маҳмуд ва Паҳлавон Муҳаммад, Тумарис ва Барчиной номларини келтириш kifойа.

Ўзбек курашининг ана шу минглаб йиллик тарихи бой ва таъсирчан экспозицияларда ҳамда Халқаро Кураш Ассоциацияси томонидан махсус тайёрланган видеотасмада ўз ифодасини топган.

"Спорт манбаларини излаб" кўргазмасининг тантанали очилиши маросиминида сўзга чиққан Халқаро Олимпия Кўмитаси президенти Жак Рогг миллий халқ ўйинларини тиклаш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга, умуман олимпия ҳаракатига қўшаётган хиссаси, мазкур кўргазмада иштирок этаётгани учун Ўзбекистонга ўзининг катта миннатдорчилигини билдирди. Тадбирда сўз олган Лозанна шаҳри маъмурияти, Халқаро Олимпия Кўмитаси, халқаро спорт федерациялари вакиллари ҳам ўзбек курашига бағишланган экспозицияга юқори баҳо бердилар.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет  
устуни босилган.  
3684 нусхав босилди. Қозғо бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашир кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари буйича турар  
жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент"  
почтампотига — 133-74-05 тел.санога мурожаат  
қилишингиз мумкин.  
Газета "Тошкент оқшоми"нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

**Бош муҳаррир  
Акmal AKROMOV**  
Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32